

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ ШАМШИДДИН ЖЎРАҚУЛОВИЧ**

**СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИ ЎЗАН ДЕФОРМАЦИЯСИ  
МОНИТОРИНГИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ДАРҒОМ КАНАЛИ МИСОЛИДА)**

**05.09.07-«Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Тураев Шамшиддин Жўрақулович**

Суғориш каналлари ўзан деформацияси мониторингини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Дарғом канали мисолида) ..... 3

**Тураев Шамшиддин Журақулович**

Совершенствование мониторинга деформации русел оросительных каналов на основе геоинформационных технологий (на примере канала даргом) ..... 21

**Turayev Shamshiddin Juraqulovich**

Improving the monitoring of irrigation canal bed deformation using geoinformation technologies (case study of the dargom canal) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ** ..... 42  
**List of published works** .....

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРАЕВ ШАМШИДДИН ЖЎРАҚУЛОВИЧ**

**СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИ ЎЗАН ДЕФОРМАЦИЯСИ  
МОНИТОРИНГИНИ ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ДАРҒОМ КАНАЛИ МИСОЛИДА)**

**05.09.07-« Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ( PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мануси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3PhD/Т3409 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида баҳарланган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш ва саҳифасида ([www.ismiti.uz](http://www.ismiti.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исраимова Малика Раҳимбердиевна техника фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Худайкулов Совет Ишанкулович техника фанлари доктори, профессор  Аҳмедходжаева Ифода Аҳмаджановна техника фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Жиззах Политехника институти

Диссертация ҳимояси Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 41/30.04.2021.Т.131.01 рақамли илмий кенгашнинг «8» 11 2025 йил соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасун-4 маҳалlesi, 11 уй. Тел.: 994344328, e-mail: [ismiti@minwater.uz](mailto:ismiti@minwater.uz)).

Диссертация билан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти библиотекасида ташишни мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасун-4 маҳалlesi, 11 уй. 71 202 47 85 Тел.: (90) 946-43-28).

Диссертация автореферати 2025 йил «20» 10 куни тарқатилди.  
(2025 йил «20» 10 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
И.Э.Махмулов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]  
У.А.Садиев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, (PhD),  
катта илмий ходим

[Signature]  
А.Ж.Сейтов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда каналлар оқимининг шаклланиши ҳамда ўзан жараёнларида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни мониторинг қилиб бориш, ўзан ва қирғоқ эрозиясининг канал гидрологик режимига таъсирини баҳолаш, замонавий технологиялар асосида ўзаннинг морфологик ҳолати мониторингини олиб бориш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда “сув ресурсларини самарали ва ишончли бошқариш, каналда ўзан жараёнларини мониторинг қилиб бориш дастурларини такомиллаштириш, ўзан эрозияси ҳамда лойқа босишининг олдини олиш алоҳида аҳамиятга эга”<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига зарур сув миқдорини таъминлаш, канал ўзанида салбий оқибатларга олиб келадиган омилларини аниқлаш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш асосида сув ресурсларини самарали ва ишончли бошқаришга алоҳида аэтибор қаратилмоқда.

Жаҳонда канал фойдали иш коэффициентини ошириш, сув йўллари деформацияси ҳолатларини прогнозлаш ва жорий, капитал таъмирлашларини ўз вақтида олиб бориш, каналда ўзан жараёнларининг мониторингини юритишда информацион технологиялар, сув сарфи ҳисобини юритиш ҳамда канал ўзанини ростлашнинг конструктив ечимларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, бетон ва ер ўзанли каналларда юз берадиган динамик жараёнларини аниқлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ўзан жараёнларини мониторинг ва башорат қилишда ГАТ технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, каналлардаги оқимнинг барқарор ва беқарор ҳаракатларида ўзан мустаҳкамлиги ва уларнинг деформацион жараёнларига таъсирини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ирригация тизим каналлари техник ҳолатини яхшилаш, грунт ўзанли каналларни бетонлаштириш асосида беҳуда сув сарфини камайтириш, ўзан деформациясини аниқлаш технологияларни такомиллаштириш йўли билан самарали ишлашини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”<sup>2</sup> тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони “Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш” бўйича муҳим вазифаларда, сувдан самарали ва ишончи фойдаланиш қатъий белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ўзан жараёнлари деформациясини аниқлашнинг янги информацион технологиялари

<sup>1</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/er-suv-resurslaridan-samarali-foydalanishning-tashkiliy-i-tisodiy-asoslari/viewer>

<sup>2</sup> [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисида](#)

тизимини такомиллаштириш, ГАТ технологиялари асосида ўзан жараёнлари мониторингини олиб бориш усуллари ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли, 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Каналдаги ўзан жараёнлари, қирғоқлар ва ўзан тубидаги деформация ҳолатлари, каналлар гидрологик режимининг эксплуатация даврида ўзгариш, суғориш каналларида сувнинг беҳуда сафини аниқлаш ва ўзан жараёнларининг мониторингини олиб бориш тизимини такомиллаштириш ва ўзан эрозиясининг дарё ва каналнинг гидрологик режимига таъсирини аниқлаш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, Воробьев А.Е., Орцухаева З.Ш., Алферова Н.Н., Чалов Р.С., Гришанин К.В., Барышников Н.Б. Великанов М.А., Львович М.И., Шикломанов И.А., Харченко С.И., Ландсберг Г.Г., Уайт Г., Муррай С.К., Невсоне Д.Х., Моуссли Н., Гловер Р.Э., Флорей Қ.Л., Икеда С. ва бошқа олимлар.

Олимлар: Денисов Ю.М., Махмудов Э.Ж., Чембарисов Э.И., Ҳикматов Ф.Ҳ., Бакиев М.Р., Махмудов И.Э., Икрамова М.Р., Арифжонов А.М., Фатхуллоев А.М. ва бошқалар томонидан очиқ ўзанли каналлардаги гидродинамик жараёнларни моделлаштириш, сув сарфи ва оқимини гидравлик ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Олиб борилган тадқиқотлар, эришилган натижаларга қарамасдан суғориш каналларида ўзан деформация ва эрозияси жараёнларини замонавий информатсион технологиялар ёрдамида мониторингини олиб бориш, ГАТ технологиялари асосида такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларини бошқаришнинг маъқбул усуллари ишлаб чиқиш, тезкор ва ишончли бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқот масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг “Дарғом канали эксплуатацион ишончлилигини оширишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси (2023) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:**

каналларда юз бераётган ўзан жараёнларини, яъни ўзанлар ювилиши ва лойқа босиши, қирғоқлар эрозияси каби ҳолатларни геоахборот технологиялари асосида мониторингини олиб бориш ҳамда сувни бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғориш каналларида ўзан деформацияси ва қирғоқлар эрозиясини ўрганиш ва бартараф этиш усуллари бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлилини амалга ошириш

тадқиқот объекти - Дарғом магистрал канали гидрологик режимини ўрганиш, техник ҳолатини баҳолаш, ўзанининг морфологик параметрлари ва кинематик характеристикаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

каналда натура ўлчовларини амалга ошириш, содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатларини аниқлаш ҳамда ўзан бўйлаб максимал сув ўтказиш қобилиятини аниқлаш усулини такомиллаштириш;

каналда юз берадиган ўзан жараёнларини ГАТ технологиялари асосида моделлаштириш ва гидрологик режим ўзгаришлари динамикасини мониторингини олиб бориш усуллари такомиллаштириш;

канал ўзани деформацияси ва қирғоқлар эрозияси ҳолатини ҳамда лойқа босиш жадаллигини пасайтиришга йўналтирилган конструктив ечимлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** Самарқанд вилоятидаги Дарғом магистрал канали.

**Тадқиқот предмети:**

Дарғом магистрал каналининг ишлаш режими, ўзан деформацияси, гидрологик жараёнлар, гидравлик ҳисоблар, гидротехник иншоотлар техник параметрлари ва элементлари, сувни бошқариш самарадорлигини амалга ошириш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари:**

диссертация ишида натура тадқиқотлари, замонавий геоахборот технологиялари, гидрометрия ва гидравликада умум қабул қилинган усуллар, маълумотларни қайта ишлашда математик статистика таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Дарғом магистрал каналининг маълумотлар базаси ва геоахборот технологияси асосида қирғоқлар эрозияси мониторингини олиб бориш модели ишлаб чиқилган;

ўзан параметрларининг ўзгариши ва каналнинг фойдали иш коэффициентига боғлиқ ҳолда сув балансини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

канал қирғоқларининг емирилиши, ювилиши ва ўзанини лойқа босишидаги улушини сув сатхи ҳамда оқимининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда канал тубидаги лойқа қалинлигини ҳисоблашнинг гидравлик усули ишлаб чиқилган;

каналда ўзан жараёнларини ўзгариши, қирғоқлар ювилиши ҳамда авария ҳолатини олдини олишга қаратилган қирғоқлар химоясини мустаҳкамлайдиган конструктив ечимлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйдагилардан иборат:**

Дарғом магистрал каналининг ўзани бўйлаб оқим характеристикалари ва канал ўзани деформациясига таъсир кўрсатувчи факторлар аниқланган;

каналда ўзан жараёнлари Sentinel-2 сунъий йўлдош сьемкаларидан фойдаланган ҳолда каналнинг схематик харитаси ишлаб чиқилган;

Дарғом магистрал канали ўзан жараёнлари мониторингини ГАТ технологиялари асосида олиб бориш усули ишлаб чиқилган;

Дарғом магистрал каналининг самарадорлиги гидрометрик усул ва каналларнинг фойдали иш коэффицентини аниқлаш дастури асосида баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқотнинг ишончлилиги олинган натижаларнинг назарий ва амалий тадқиқотлар мутаносиблиги, стандартлаштирилган гидрометрик усуллардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни бошқа олимларнинг натижалари ва ўлчов-кузатув маълумотлари билан таққослаб текширилганлиги ва қайта ишлашда умум қабул қилинган тадқиқот усуллари, статистик математик қоидаларга амал қилинганлиги билан белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Дарғом магистрал каналининг ўзан жараёнларини морфологик кўрсаткичлари аниқлаштирилганлиги, канал ўзани бўйлаб геоахборот тизимининг канал ўзанида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни Sentinel-2 сунъий йўлдош сьемкаларидан олинган маълумотларга асосланган Google Earth Engine дастуридан фойдаланган ҳолда Дарғом магистрал каналининг харита қатламлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти каналда ўзан жараёнларининг ГАТ технологиялари асосида мониторинги тизимини олиб бориш ишлари ҳамда Дарғом магистрал каналининг қирғоқлари емирилишини олдини олиш ва оқимни мақбул бошқариш орқали фойдали иш коэффицентини кўтариш ва сув йўқотишларни камайтириш имкониятини оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориш каналлари ўзан деформацияси мониторингини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Дарғом канали мисолида) бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Дарғом магистрал каналининг ўзан жараёнлари ГАТ технологиялари асосида мониторинги олиб бориш усули моделлаштирилган Зарафшон магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил

11 декабрдаги 02/13-4759-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш каналларининг ўзан жараёнлари онлайн мониторингини олиб бориш, сув ўтказиш қобилиятини 5% га ошириш ва 5900 гектар майдонда сув таъминотининг яхшиланишига, сув ресурсларини самарали тақсимлаш орқали 6-7% сув ресурслари иқтисод қилиниш имконияти яратилган.

Суғориш каналлари ўзан жараёнлари эътиборга олган ҳолда оқимни бошқаришнинг маъқбул усули ишлаб чиқилган Зарафшон магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 11 декабрдаги 02/13-4759-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш каналларида сув оқимидан самарали фойдаланиш, керакли вақтда канал бўйлаб техник тадбирларни амалга ошириш имконияти яратилган.

Каналнинг электрон схемаси ишлаб чиқилиб, сув балансини ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилган Зарафшон магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 11 декабрдаги 02/13-4759-сонли маълумотномаси). Натижада диспетчерлик хизмати фаолияти яхшиланиб 2-3 фоиз сув ресурсларини иқтисод қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда тақдимот қилинган, муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола: 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг илмий ишга тегишли 2 та ИМА гувоҳномаси олинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, ҳамда объект ва предмети шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғориш каналларида ўзан жараёнлари бўйича тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида ўзан жараёнлари, ўзандаги оқим динамикасининг шаклланиши ва ривожланиши, йирик каналлар ўзан жараёнларини замонавий геоахборот технологиялар асосида мониторинги,

канал ўзанида юз бераётган кинетик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сув оқимни бошқаришнинг самарали гидравлик усуллари ишлаб чиқиш Воробьев А.Е., Орцухаева З.Ш., Алферова Н.Н., Чалов Р.С., Гришанин К.В., Барышников Н.Б. Великанов М.А., Львович М.И., Денисов Ю.М., Махмудов Э.Ж., Чембарисов Э.И, Ҳикматов Ф.Ҳ., Бакиев М.Р. ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриб чиқилган. Тадқиқотлар асосан ўзан эрозияси каналларнинг гидрологик режимига таъсирини аниқлаш, очиқ ўзанли каналлардаги гидродинамик жараёнларни моделлаштиришга бағишланган. Суғориш каналларида ўзан деформация ва эрозияси жараёнларини замонавий инфорацион технологиялар ёрдамида мониторингини олиб бориш, ГАТ технологиялари асосида такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларини бошқаришнинг маъқбул усуллари ишлаб чиқиш ва ишончли бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга етарли эътибор берилмаган.

Диссертациянинг “Дарғом магистрал каналида дала тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобида Дарғом магистрал каналининг техник тавсифи келтирилиб, Дарғом ирригация тизимига боғланган суғориладиган майдонлар 123,3 минг гектарни ташкил этади. Зарафшон дарёсидан 815 млн м<sup>3</sup> сув олинади. Қўшимча равишда сой ва булоқлардан 27,5 млн м<sup>3</sup>, ер ости манбаларидан

6,16 млн м<sup>3</sup>, қайтган сувлардан 56,46 млн м<sup>3</sup> сув ишлатилади. Ирригация тизимида йилнинг сувлилик даражасига қараб сувдан фойдаланиш лимити белгиланади. Сув кам йиллар лимит миқдори ўртача 770 млн м<sup>3</sup>, сув кўп йилларда 1200 млн м<sup>3</sup> атрофида бўлади. Графикларда охириги 7 йиллик ҳисоботлар асосида ўртача режа, белгиланган лимит ва амалда қанча сув берилгани маълумотлари келтирилган (1 расм).



**1-расм. Дарғом тизимига белгиланган план, амалда ва лимит кўрсаткичлари**

Дарғом магистрал канали техник ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий ўзан жараёнлари ва қирғоқ эрозияси Жумабозор кўприги ва Гульба ГЭСи орасидаги 5 км лик масофада жадал юз бераётган бўлиб, бунда қирғоқ емирилиши баъзи жойларда 15 дан 30 м гача юз берган бўлиб, қирғоқ зонасига

яқин жойлашган деҳқончилик ерлари ва бошқа объектлар учун хавфли вазиятни вужудга келтирган (2-расм).



**2-расм. Дарғом каналида қирғоқ ювилиши зоналари**

Жумабозор кўпригининг баъзи устунлари асоси ювилиши натижасида осилиб қолган (3-расм). Бу ҳолат келажақда кўприк зонасида авария келтириб чиқариш эҳтимоли юқорилигини кўрсатмоқда.



**3-расм. Жумабозор кўприги устунлари ҳолати**

Объект харитасини яратиш учун олдиндан маълум бўлган координаталар асосида объектнинг умумий плани ишлаб чиқилиб, ГАТ модели учун асос бўладиган маълумотлар базаси ишланди. Ўтказилган дала тадқиқотларида фойдаланилган доплер-профилограф сув сарфини ҳар бир ўлчаш натижалари ва уларнинг ўртача қийматини олиб, корреляция коэффициентни ҳисобга олган ҳолда аниқ натижани тақдим этади.

Створ №1, ПК 183 да амалга оширилган ўлчов натижаларига биноан ушбу створда ўзан кенлиги 60,09 м, кўндаланг кесим юзаси 82,62 м<sup>2</sup>, оқим тезлиги 1,75 м/с ни ташкил қилган. Сув сарфи 144,41 м<sup>3</sup>/с га тенг бўлган (1-жадвал).

## ПК 183 да ўлчов натижалари

Результаты измерений																	
#	Время		Температура	Расстояние				Средняя скорость		Расход					%		
	Время	Продолжительность		Трек	DMG	Ширина	Площадь	Носитель	Вода	Слева	Справа	Верхняя часть	Средняя часть	Нижняя часть		Общий	МВсумма
1П	16:49:36	0:04:27	18,8	75,41	56,00	59,998	83,422	0,282	1,797	0,17	0,21	20,54	103,61	25,37	149,897	-	69,1
2П	16:54:13	0:03:56	18,5	82,57	56,19	60,187	81,808	0,350	1,698	0,17	0,27	19,45	93,84	25,19	138,915	-	67,5
		Среднее	18,7	78,99	56,09	60,092	82,615	0,316	1,747	0,17	0,24	19,99	98,72	25,28	144,406	0,000	68,3
		Стандартное отклонение	0,1	3,58	0,09	0,094	0,807	0,034	0,049	0,00	0,03	0,55	4,89	0,09	5,491	0,000	0,8
		COV	0,0	0,045	0,002	0,002	0,010	0,107	0,028	0,018	0,129	0,027	0,050	0,004	0,038	0,000	0,011
Выдержка: 0:08:23																	
Сеч1 = 20230916164935r.rivr; Сеч2 = 20230916165417r.rivr;																	
Комментарии																	
Сеч1 = 20230916164935r.rivr - yaxshi; Сеч2 = 20230916165417r.rivr - yaxshi;																	

Дарғом каналига кириб келадиган лойқа ҳажми Зарафшон дарёсининг лойқалигига боғлиқ бўлиб, маълумотлар Дупули гидростидан олинади. Оқизикларнинг асосий қисми, яъни йиллик ҳажмининг 95%, апрел-сентябр ойига тўғри келади ( $0,58 \text{ кг/м}^3$ ). Қуйида лойқаликнинг ўртача кўп йиллик маълумотлари келтирилган (2-жадвал).

## Сувнинг ўртача кўп йиллик лойқалиги

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йиллик ўртача
0,07	0,07	0,12	0,29	0,53	0,84	1,43	1,30	0,50	0,10	0,06	0,10	0,45

Канал ўзанини лойқа босиши унинг сув ўтказиш қобилиятининг пасайишига ва шунга мос равишда қишлоқ хўжалиги экинлари учун сув таъминотининг ёмонлашувига олиб келади. Канални лойқа босишига Зарафшон дарёси оқимининг лойқалиги, шунингдек, канал ўзани ва қирғоқларининг узоқ муддат эксплуатация даврида деформацияга учрагани ва лойиҳа кўрсаткичларидан четга чиқиши сабаб бўлган.

Таҳлил учун намуналар сентябрь ва ноябрь ойлари (2023 йил) Дарғом ва Айланма Дарғом каналларининг қўшилиш жойида 5 та нуктадан, ҳар бир намуна олиш жойидан 6 тадан намуналар олинди ва ИСМИТИ лабораториясига етказилиб, лаборатория таҳлили ўтказилди. Қуйида намуна олинган жойлар координаталари ва намуналарнинг ўртача лойқалик миқдори келтирилган (3-жадвал).

**Сув лойқалигини аниқлаш учун намуна олинган жойлар ва лаборатория натижалари**

№	Намуна олинган жойлар	Оқим лойқалиги, кг/м <sup>3</sup>	Координаталар/локация	
			North	West
1-проба	Дарғом канали	1,75	39030'28.37"	67011'53.72"
2-проба	Дарғом канали	2,12	39030'18.92"	67012'15.59"
3-проба	Дарғом канали	2,27	39030'31.44"	67013'11.59"
4-проба	Айланма Дарғом	2,56	39030'52.04"	67013'31.91"
5-проба	Айланма Дарғом	2,53	39031'19.10"	67013'41.18"


Сувнинг лойқалик миқдори НАСН 2100 турбидиметр апаратида амалга оширилди ва лаборатория шароитида сувнинг лойқа концентрация аниқланди.

Дарғом магистрал каналида олиб борилган тадқиқот ишларининг таҳлиллари асосида канал ўзанида йиллар мобайнида деформасия жараёнлари содир бўлганлиги кузатилди. Натижада канал иш режими ўзгариб сув оқимини бошқариш қийинлашётганлиги аниқланди. Бу эса канал ўзанида содир бўлаётган деформацияни бартараф этиш ва мос равишда унинг иш режимини такомиллаштириш устида тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини англатади.

Диссертациянинг “**Канал ўзани деформациясини ҳисоблаш усуллари**ни **такомиллаштириш**” деб номланган учинчи бобида Дарғом магистрал каналидаги ўзан жараёнларини геоахборот технологиялари асосида моделлаштириш. Дарғом магистрал каналининг танлаб олинган участкаларида геоахборот тизимининг ArcGIS дастури асосида олиб борилган илмий таҳлиллардан қуйидаги ҳолатлар бўйича модел ишлаб чиқилди. ArcMAP дастури асосида створлар белгилаб олинди ва отметкалар аниқланди. Натура ўлчовлари асосида қуйидаги натижалар бўлган. Магистрал канал қирғоқларининг ювилган қисмларини мониторинг қилиш мақсадида Жумабозор кўприги ва Гулба ГЭС оралиғидаги 5 км участкада ўлчаш ишлари олиб борилди. Қирғоқлар ювилиш зоналари ўрганилди ва топографик съёмка қилинди. Ўзанининг ювилган участкаси узунлиги пикетлар билан белгиланиб, ўлчов ишлари амалга оширилди (4 жадвал). Ўлчов ишлари натижаларидан кўриш мумкинки, каналда сув сарфи кам бўлган вақтларда ҳам сув оқими тезлиги юқори харакатланади. Натижада Дарғом магистрал каналида сув оқими тезлиги ортиши билан қирғоқ бўйларида эрозия вужудга келмоқда.

**Сув сарфи ва оқим тезлигининг ўлчов натижалари**

№	ПК	Сув оқими тезлиги V, м/с	Сув сарфи Q, м <sup>3</sup> /с
1	185+00	0,72	18,27
2	200+00	0,78	19,17
3	472+00	<b>1,29</b>	<b>18,01</b>
4	480+00	<b>1,31</b>	<b>18,90</b>
5	490+50	0,66	19,04




**4-расм. ГАТ мониторинг натижалари: А- ПК165+00 ва ПК171+00 оралиғидаги 1-участкада; Б- ПК330+00 ва ПК333+00 оралиғидаги 2-участкада; В- ПК475+00 ва ПК482+00 оралиғидаги 3-участкада**

**1-участка** ПК165 дан ПК170 гача бўлган ораликда канал кўндаланг профиллари ўзгариши 4А-расмда келтирилган. Бунда участка узунлиги 500 м бўлиб, канал ўзани чуқурлиги 7,5-9 м, кенглиги 100-120 м ораликда ўзгарган. Кўрилаётган худудда лойқа чўкиши натижасида узунлиги 127 м, максимал кенглиги 28 м, баландлиги 3-4 м бўлган оролча шаклланган. Каналда сув сарфи 50 м<sup>3</sup>/с ва ундан кўп бўлганда оқим бўйича чап томон қияликларига салбий таъсир кўрсатиб ўзанининг ювилишга олиб келган. **2-участка** ПК330 дан ПК333 гача ораликда канал ўзани кўндаланг профиллари ўзгариши 4Б-расмда келтирилган. Бунда канал ўзани чуқурлиги 1.5-2 м, кенглиги 80-110 м ораликда ўзгарган. Кўрилаётган худудда лойқа чўкиши натижасида оқим бўйича ўзан чап томонида лойқа оқизиклар тўпланиб бормоқда (максимал отметка 778 м). **3-участка** ПК475 дан ПК482 гача ораликда бўлиб, канал ўзани кўндаланг профиллари ўзгариши 4В-расмда келтирилган. Бунда участка узунлиги 700 м бўлиб, канал ўзани чуқурлиги 2-3 м, кенглиги 25-50 м ораликда ўзгарган. Маълумот олинаётганда сувнинг максимал чуқурлиги 3 м бўлган. Кўрилаётган худудда оқим бўйича чап қирғоқ ўзанида лойқа оқизиклар тўпланиб бормоқда. ПК475+00 дан 482+00 оралиғида ўзанининг бурилиш зонаси билан бир жойда

кўприк билан боғланганлиги сабабли сув оқимининг тезлиги юқори бўлиб, ўнг қирғоқ худудидаги аҳоли яшаш зоналарига жиддий зарар етказмоқда.

Дарғом каналининг кўриб чиқиладиган қисмида содир бўладиган қирғоқ эрозияси, унинг таъсир зонаси ҳамда ўзан тубининг ювилиши 5-расмда схематик тарзда тасвирланган. Канал ўлчамлари, қиялик ва эрозия жараёни оқибатида юз берадиган туб қисмининг ўзгариши таҳлил қилинди. Каналдаги сув сатҳи ва сарфининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда оқим турбулент ҳаракати ва бунда динамик ёпишқоқликнинг ўзгариши эътиборга олинган. Масаланинг сонли ечимини олиш учун чекли элементлар усулидан фойдаланилди. Дарғом каналининг кўриб чиқиладиган қисмида қирғоқ деформацияларини ҳисоблаш натижалари дала ўлчовлари натижалари билан таққосланди.



5-расм. Канал қиялиги ва тубининг деформацияланиш схемаси

Бу ерда грунт ўзанли каналнинг қирғоқ қисми  $S$  кўзгалувчан деб қабул қилинган ва канал тубининг туташган қисми билан қиялик юзасини ифодалайди. Каналдаги сув сатҳи ўтказиладиган сув сарфига қараб вақт ўтиши б

и Маълум вақт оралиғидаги эрозия ўлчамларини ва канал қирғоқларининг кейинги ўпирилиш (емирилиш) эҳтимолини аниқлаш учун сувнинг динамик ёпишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда оқимнинг барқарор ҳаракат тенгласидан фойдаланилди.

∂

ў бу ерда:  $u = u(x, z)$  - каналнинг ўрганиладиган профилидаги сув оқимининг ўртача тезлиги,  $I$  - канал тубининг бўйлама нишаблиги,  $\Gamma$  - каналдаги сув оқимининг турбулент ёпишқоқлиги.

Қирғоқ эрозиясига биринчи навбатда оқим ҳаракатидаги ташқи тезлиги ва каналнинг кўриб чиқиладиган қисмида кинематик кўрсаткичларнинг чуқурлик бўйича тақсимланиши таъсир кўрсатганлиги сабабли, оқим ҳаракати тенгласи қуйидаги кўринишда ифодаланади.

∂

- кўриладиган участка профилидаги канал тубининг ўртача белгиси.

(24)

Ҳисоблаш учун қуйидаги чегаравий шартлар ўрнатилган:

∂

у

x

е

15

р

∂

д

бўлганда

$$Z = H_0 - H_i;$$

$$\frac{\partial u}{\partial z} = 0$$

бўлганда

Z

= Каналдаги сув оқими миқдори ва каналнинг кўндаланг кесими ўлчамларига боғлиқ ҳолда турбулент ёпишқоқликнинг ўзгариши қуйидагича аниқланади.  $\frac{\partial u}{\partial x} = 0$  бўлганда  $x \leq b$ ;  $\mu = \mu_i$  бўлганда  $Z = H_p$ ;  $0 \leq x \leq b$ ;  $0 \leq t \leq T$ .

Канал ўзанининг қиялиги ва тубига таъсир қилувчи силжиш кучланишларини аниқлаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланилган:

б

у

е

р

д

а

з

а

р

р

а

н

й

п

и

б

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

н

и

Критик кучланиш қуйдаги формула бўйича аниқланади:

бу ерда  $\rho_w$ , - сув оқимининг зичлиги,  $\rho_s$  - грунтнинг зичлиги,  $\varphi$  - қаттиқ

Чегаравий шартлар ва вариацион боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда  $\rho$  номаълум функциялар аниқланади. Чекли айирмалар усулидан фойдаланиб

$$\mu = L_k \mu_k; \quad H_p = S_k H_{pk}; \quad p = S_k p_k; \quad k = 1, 2, 3$$

б


Интеграл интерполяцияни ҳисобга олган ҳолда дискрет  $dt \Delta t$  га айлантирилади. Масаланинг дискрет аналогларининг якуний кўриниши

$$\Delta_L = \begin{cases} r + \Delta H_i & r < -\Delta H_i \\ 0 & r \geq -\Delta H_i \end{cases}$$

$$r = (y_i - y_{i-1}) \operatorname{tg} \varphi, \quad \Delta H_i = H_i - H_{i-1}$$

Каналнинг 193+50 пикетда қирғоқ эрозиялари ўлчамларини аниқлаш учун ҳисоб-китоб амалга оширилди (6-расм). Канал қиялигининг ювилиши ва ўпирилишини ҳисоблаш учун дискрет чекли фарқлар аналогларига асосланган тенгламалар тизимидан фойдаланилди. Ўзанининг дастлабки шакли учун ноҳа қисмларга ажратилди ва чекли элементда  $H$  ва  $p$  функциялари турсимон майдон яратилди ва юза белгилари аниқланди. Тезлик майдонлари ўқиндаштирилди: ҳисоблаб чиқилди, ёпишқоқлик тузатилди ва кучланиш майдонлари аниқланди. Ўзгарган туб майдонлари ҳисобланди ҳамда турбулент ёпишқоқликни инобатга олган ҳолда эркин сирт сатҳи тузатилди.

Бунда  $x = 0$  координаталар бошига мос келади, бу эса оқимнинг қирғоққа таъсири сезилмайдиган масофада белгиланган. Дастлаб кўриб чиқиладиган пикетдаги канал кенлиги 90 метрни ташкил этган, аммо ўзан жараёнлари ва сезиларли қирғоқ эрозияси натижасида ҳозирги вақтда каналнинг кенлиги 130 метрга етган. Ҳисоб натижалари 5-жадвалда келтирилган.



**6-расм. ПК193+50 да Дарғом каналининг қирғоқ эрозияси: а - режада, б - кўндаланг кесим**

**5-жадвал**

**Дарғом канали қирғоғи эрозиясини ҳисоблаш натижалари (ПК193+50)**

		Чап қирғоқ							Ўнг қирғоқ				
Масофа	X, м	60	50	40	30	20	10	0	0	10	20	30	37
Бошланғич натижалар	Белги, м	780	780	780	778,5	777	776,5	776	776	776,5	779,5	780	780
	Z, м	4	4	4	2,5	1	0,5	0	0	0,5	3,5	4	4
Эрозиядан кейинги ўлчовлар	Белги, м	779	778,5	777	776	777	777,5	777	776	776,5	776,6	778,3	780
	Z, м	3,0	2,5	1,0	0,0	1,0	1,5	1,0	0,0	0,5	0,6	2,3	4,0
Канал тубининг ўзгариши	$Z_0-Z_1$	1,0	1,5	3,0	2,5	0,0	-1,0	-0,6	0,0	0,0	2,9	1,7	0,0
Ҳисоблаш натижалари	Z, м	3,2	2,47	0,8	0,31	1,17	1,42	1,08	0	0,54	0,62	2,28	3,91

Жадвалдан кўришиб турибдики, канал қирғоғи эрозиясини ҳисоблаш натижалари ва натура ўлчов маълумотлари ўртасидаги фарқ 0,8-7% оралиғида ўзгаради. Чап қирғоқнинг емирилиши натижасида канал қиялиги юзасининг чуқурлашуви 1 метрдан 3 метргача, ўнг қирғоқники эса 1,7-2,9 метргача етади. Бу ерда манфий қийматлар канал тубининг чўкиндилик тўпланиши содир бўлган ҳудудларини кўрсатади ва туб сатҳи 0,6-1,0 метрга кўтарилган.

Сув оқими канал ўзанини деформациялайди ва бу ўз навбатида оқимдаги сув тезлиги ва босим майдонларини ўзгартиради. Таъкидлаш жоизки, каналларни ишлатишда сув сатҳи режимини бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки у ўзан ва қирғоқ деформацияларига сезиларли таъсир кўрсатади. Кўриб чиқиладиган ҳудудда Дарғом канали кўндаланг кесимлари ўлчамларининг

кучли ўзгаришини кузатилмоқда. Бунда, 20 йил давомида каналнинг чап қирғоғи 26,2 метрга, ўнг қирғоғи эса 13,7 метрга ювилгани аниқланди.

Сув оқимининг динамик таъсири остида канал қирғоқларининг ўзгариши уларни ўрганишда гидродинамика, геоморфология ва гидрологияни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёндашувни талаб этади. Дарғом каналидаги жараён шиддатининг дастлабки таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, оқим қувватини пасайтириш учун замонавий усулларни қўллаган ҳолда қирғоқларни ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш зарур, чунки қирғоқ ҳудудларини сув босиши билан боғлиқ фавқулодда вазият хавфи юзага келмоқда.

Диссертациянинг “**Дарғом каналида ўзан жараёнлари ва қирғоқлар ювилишини камайтиришнинг конструктив ечимлари**” деб номланган тўртинчи бобида канал ўзанида содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатининг олдини олиш ва канал фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда Чорвоқтепа, Ўрамас ва Жумабозор кўприги зоналаридаги канал қирғоқлари ювилиши ва авария хавфини олдини олиш имконини берувчи конструктив ечимлар таклиф қилинди. Натижада иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

#### 6-жадвал

#### Канал муаммоли участкаларида олиб бориладиган ишлар ҳажми

Худудлар	Каналда ПК лар оралиғи	Ҳимоя дамбаси узунлиги, м	Дамба ҳажми, м <sup>3</sup>	Авария хавфи: майдон, га
Чорвоқтепа	165+00-167+91	291	1460	10
	170+91-173+84	296	1480	8
	<b>Жами</b>	<b>587</b>	<b>2 940</b>	<b>18</b>
Ўрамас	192+63-194+38	175	1050	1,45
	195+38-195+73	45	270	0,55
	<b>Жами:</b>	<b>220</b>	<b>1 320</b>	<b>2,0</b>
Жумабозор кўприги	294+00 - 294+80	80	1 000	12 та, ҳонадон
	294+80 - 295+20	120	4 000	35 та, ҳонадон
	294+00 - 295+55	155	1 395	1,45 га
	294+40-295+10	70	Прорезь 630	
	<b>Жами:</b>	<b>425</b>	<b>6 395</b>	<b>20 га ва 47 та ҳонадон</b>

Канал қирғоқлари ювилиши ва ўзан деформациясини камайтиришнинг комбинациялашган ва гидравлик усулларини қўллаган ҳолда, аҳоли пунктлари, суғориладиган майдонлар ва саноат объектларининг фавқулодда авария ҳолатининг олдини олишга эришилади.

Дарғом магистрал канали ФИК ни оширишда, ўзан бўйлаб муаммоли участкаларида кўшимча таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, суғоришнинг замонавий усулларини татбиқ этиш эвазига 0,6-0,7 дан 0,75-0,85 гача, сувдан фойдаланиш коэффицентини 0,45-0,55 дан 0,75-0,85 гача оширишни таъминлайди. Натижада вегетация даврида олинган

сувнинг 2% ни яъни 200-220 м<sup>3</sup> миқдордаги сув иқтисод қилинишига эришилади.

Яратилган янги сув баланси дастури ёрдамида тизим диспетчерлик хизмати мутахассисларининг ишлари соддалаштирилди; канал узунлиги бўйича сув ҳисобини олиб бориш ишлари яхшиланди; канал бош сув олиш гидростидан сув сарфи ўзгариши билан сув олиш тармоқлари бўйича визуал бошқариш имкониятига эришилди.

Каналларда ўзан жараёнлари мониторингини олиб бориш билан ўзанда содир бўлаётган ҳолатларни доимий назорат қилиб бориш имконияти яратилади, сув оқимини мақбул бошқаришга эришилади. Натижада суғориладиган майдонлар, аҳоли яшаш пунктлари ва инфратузилмаларга фавқулотда авария ҳолатининг юз бериши олди олинади.

## ХУЛОСА

**“Суғориш каналлари ўзан деформацияси мониторингини геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш (Дарғом канали мисолида)”** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дарғом магистрал канали техник маълумотлари таҳлил қилиниб, каналнинг муаммоли Жумабозор кўприги ва Гульба гидроэлектр станцияси оралиғида натура-ўлчов ишлари олиб борилди, каналнинг гидрометрик, морфологик ва кинематик характеристикаларига аниқлик киритилди.

2. Дарғом каналининг гидрологик режими ўрганилиб, Дарғом – Бағрин, Янги Дарғом, Айланма Дарғом, Эски Дарғом, Талигулян ва Эски Анхор сув олиш нуқталаридаги сув сарфи миқдори декадалар кесимида таҳлил қилинди. Олинадиган сув миқдорининг ўзгариш динамикаси ва муммолар аниқланди. Дарғом каналида сув сарфини ростлаш маълумотлари, ҳамда сув сатҳига боғлиқлик координаталар жадвали ишлаб чиқилди.

3. Каналда замонавий ўлчаш асбобларидан фойдаланиб натура-ўлчов ишларини олиб бориш асосида гидрометрик, морфологик ва кинематик характеристикаларини аниқланди. Дарғом канали трассаси бўйича жойлашган иншоотлар ва хўжаликлараро каналларга сув олиш иншоотларининг техник ҳолати ўрганилди. Каналдаги ўзан жараёнлари ва қирғоқ эрозияси зоналари батафсил келтирилди.

4. Дарғом каналида ўлчаш ишлари 2023-2024 йилларда олиб борилди. Биринчи этап натура ўлчовлари ПК170, ПК175, ПК182, ПК183 ларда олиб борилди. Диспетчерлик хизмати маълумотига асосан каналда сув сарфи 80-140 м<sup>3</sup>/с оралиғида бўлган. Иккинчи этап сув сарфини ўлчаш ишлари ПК160, ПК165, ПК191, ПК200, ПК 03+50 ларда олиб борилди. Бунда диспетчерлик хизмати маълумотига кўра каналда сув сарфи 19 м<sup>3</sup>/с бўлган. Ўлчашлар натижасида сув сарфи, оқим тезлиги, кўндаланг кесим юзаси, ўзан кенглиги ва чуқурлиги каби параметрлар аниқланган.

5. Канал тубининг лойқа босиши ҳолатини аниқлаш ва ўзан жараёнларининг ривожланишини диагностика қилиш учун Дарғом каналида

сув оқимининг лойқалиги ўрганилди. Манбалардан олинган ўртача кўп йиллик маълумотлар ҳамда сентябр ва ноябр ойлари (2023 йил) Дарғом ва Айланма Дарғом каналларининг кўшилиш жойида олинган намуналар таҳлил қилинди. Айланма Дарғом канали сувининг лойқалик даражаси нишаблик катталиги ҳисобига анча юқори бўлиб, Дарғомга кўшилгандан сўнг оқим лойқалиги кўтарилган. Иккала канал кўшилиши жойида кўплаб оролчалар шакллланган.

6. Рақамли технологиялар ёрдамида сувнинг мониторингини олиб боришни жорий этиш, барча манбалар ва сув ресурслари бўйича ягона ахборот тизимини яратиш долзарб вазифадир. “Ирригация тизимлари сув балансини ҳисоблаш” дастури ишлаб чиқилган (Гувоҳнома, DGU 33019). Дастур инфор­мацион технологияларни қўллаган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, сувни тақсимлаш ва сувни бошқаришни такомиллаштириш имконини беради.

7. Канал характеристикаларига аниқлик киртилиб, ГАТ технологиялари асосида моделлаштирилган. Sentinel-2 сунъий йўлдош сьемкаларидан олинган маълумотларга асосланган Google Earth Pro 7.3.4 ва Google Earth Engine дастурларидан фойдаланган ҳолда олинган тадқиқот зонасига тегишли маълумотлар таҳлили келтирилган. Дарғом каналининг Жумабозор кўприги ва Гулба ГЭС орасидаги участкаси геоахборот тизими ва натура тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда ўрганилган. Сьемкалар 2023-2024 йилларда амалга оширилган бўлиб, хариталарни кўриш ва корректив­ровка қилиш, KML файлларни яратиш ва харита қатламларининг шакллантириш имконини беради.

8. Ўзан жараёнларини мониторингини олиб бориш ҳамда фавқулотда ҳолатларни олдини олиш мақсадида “Kanalda o‘zan jarayonining GAT monitoringi” дастури ишлаб чилган (Гувоҳнома, DGU 46795). Натижада каналларда ўзан жараёнлари онлайн кузатиб бориш имконияти яратилган.

9. Дарғом магистрал канали сув ўтказиш қобилияти пасайишининг олдини олиш 5900 га майдонда сув таъминотининг яхшиланишига, сув балансини ҳисоблаш дастурини жорий этиш ҳисобига сув ресурслари иқтисод қилинишга эришилиши каби натижалар, хулосалар ва таклифлар суғориш иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ИРРИГАЦИИ И ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И  
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

**ТУРАЕВ ШАМШИДДИН ЖУРАКУЛОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОНИТОРИНГА ДЕФОРМАЦИИ РУСЕЛ  
ОРОСИТЕЛЬНЫХ КАНАЛОВ НА ОСНОВЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ (НА ПРИМЕРЕ КАНАЛА ДАРГОМ)**

**05.09.07– Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2025.3PhD/T3409

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу ([www.ismiti.uz](http://www.ismiti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyouvet» по адресу ([www.ziyouvet.uz](http://www.ziyouvet.uz)).

Научный руководитель:	Икрамова Малика Рахимбердиевна доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Худайкулов Совет Ишанкулович доктор технических наук, профессор  Ахмедходжаева Ифода Ахмаджановна кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 8 » 11 2025 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.41/30.04.2021.T.131.01 при Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем (Адрес: 100187, г. Ташкент, Карасу-4, дом-11. Тел.: (99871) 202-47-85; Факс: (99890)946-43-28 e-mail: [ismiti@minwater.uz](mailto:ismiti@minwater.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Научно-исследовательского института ирригации и водных проблем (регистрационный номер № 10). (Адрес: 100187, г. Ташкент, Карасу-4, дом 11. Тел.: 994344328, 71 202 47 85 e-mail: [ismiti@minwater.uz](mailto:ismiti@minwater.uz)).

Автореферат диссертации разослан « 20 » 10 2025 года.  
(реестр протокол рассылки № 10 от « 20 » 10 2025 года).



**И.Э.Махмудов**

Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней  
доктора технических наук, профессор

**У.А.Садиев**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
PhD, старший научный сотрудник,

**А.Ж.Сейтов**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёной степени, д.т.н. профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется вопросам мониторинга формирования потоков в каналах и возможных явлений, происходящих в русловых процессах, оценке влияния русловой и береговой эрозии на гидрологический режим канала, а также проведение мониторинга морфологического состояния русла на основе современных технологий. В настоящее время в развитых странах "особое значение имеет эффективное и надежное управление водными ресурсами, совершенствование программ мониторинга русловых процессов в канале, предотвращение русловой эрозии и заиления"<sup>3</sup> В связи с этим особое внимание уделяется обеспечению водопользователей и водопотребителей необходимым количеством воды, выявлению факторов, приводящих к негативным последствиям в русле канала, а также эффективному и надежному управлению водными ресурсами на основе широкого использования цифровых технологий.

В мире проводятся научные исследования, направленные на повышение коэффициента полезного действия каналов, прогнозирование состояния деформации водных путей и своевременное проведение текущего и капитального ремонта, применение информационных технологий для мониторинга русловых процессов в каналах, ведение учета расхода воды и разработку конструктивных решений по регулированию русла канала. В этом направлении приоритетными считаются исследования по широкому внедрению цифровых технологий для выявления динамических процессов, происходящих в бетонных и земляных руслах каналов, а также использованию ГИС-технологий для мониторинга и прогнозирования русловых процессов. Вместе с тем, определение устойчивости русла при установившемся и неустановившемся движениях потока в каналах и их влияния на деформационные процессы является одной из актуальных задач.

В нашей республике проводятся широкомасштабные мероприятия по улучшению технического состояния каналов ирригационных систем, снижению непроизводительных потерь воды путем бетонирования грунтовых русловых каналов, обеспечению их эффективной работы посредством совершенствования технологий, определения деформации русла и их применения на практике. В частности, в Указе Президента Республики Узбекистан No УП-60 от 28 января 2022 года "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"<sup>4</sup> в рамках важных задач по "Реализации отдельной государственной программы по коренному реформированию системы управления водными ресурсами и экономии воды" четко определено эффективное и надежное использование воды. При реализации этих задач особое значение имеет совершенствование системы новых информационных технологий для определения деформации русловых процессов, а также разработка методов мониторинга русловых процессов на основе ГИС-технологий.

---

<sup>3</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/er-suv-resurslaridan-samarali-foydalanishning-tashkiliy-i-tisodiy-asoslari/viewer>

<sup>4</sup> [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси» тўғрисида](#)

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, установленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан," № УП-6024 от 10 июля 2020 года "Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы," Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-107 от 1 апреля 2023 года "О неотложных мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов," № ПП-5 от 5 января 2024 года "О мерах по совершенствованию системы управления водными ресурсами на нижнем уровне и повышению эффективности использования водных ресурсов," а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере деятельности.

